



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 19 » sentabr № 480

Toshkent sh.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 апрелдаги 221-сон қарори ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби;

юримдик ёки жисмоний шахс (талабнома берувчи) томонидан товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига (кейинги ўринларда – ваколатли орган) топшириш тартиби ва шартлари;

талабномани резидентлар учун – ваколатли органнинг махсус ахборот тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, норезидентлар учун – ваколатли органнинг махсус ахборот тизими орқали топшириш, почта алоқаси орқали топшириш бундан мустасно;

талабнома топширилгандан кейинги барча ҳаракатларни ваколатли органнинг махсус ахборот тизими орқали амалга ошириш;

давлат хизматини кўрсатишда талабнома берувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида белгиланган миқдорларда патент божини тўлаш тартиби;

ваколатли орган томонидан талабномани давлат экспертизасидан (бунда расмий экспертиза – ўттиз кун, талабномада кўрсатилган белгининг экспертизаси етти ой ичида бироқ камида олти ойдан кейин амалга оширилади, экспертизани тезкор тартибда ўтказиш бундан мустасно) ўтказиш тартиби;

товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини белгиланган миқдордаги патент божи тўланганда, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси давлат реестрида автоматик тарзда рўйхатдан ўтказиш ва ваколатли органнинг махсус ахборот тизими орқали талабнома берувчига рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани юбориш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Д. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 19 сентябрдаги 480 - сон қарорига
илова

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда – Қонун) асосан товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини (кейинги ўринларда – товар белгиси) рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Давлат хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан амалга оширилади.

3. Товар белгисини рўйхатдан ўтказишга доир талабномани (кейинги ўринларда – талабнома) топшириш ва давлат хизматидан фойдаланиш бўйича бошқа ҳаракатлар номига рўйхатдан ўтказилиши сўралаётган юридик ёки жисмоний шахс (кейинги ўринларда – талабнома берувчи) томонидан бевосита ёки вакили (патент вакили ёхуд ишончли шахс) орқали амалга оширилади.

4. Давлат хизмати мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

2-боб. Товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилиги

5. Қонуннинг 3-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва бошқа белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

6. Тасвирий белгиларга жонли мавжудотлар, предметлар, табиий ва бошқа объектлар тасвирлари, шунингдек, чизиқлар, доғлар, ҳар қандай фигураларнинг текисликдаги композициялари (ҳажмлиларидан ташқари) киради.

Сўзли белгиларга сўзлар, сўз кўринишига эга бўлган ҳарфий бирикмалар (хусусан, ҳар қандай кетма-кетликдаги унлилар ва ундош товушларнинг бўғин ҳосил қилувчи бирикмалари), сўз бирикмалари, гаплар, шунингдек, уларнинг бирикмалари киради.

Муайян шакл тарзидаги белгилар ҳажмли белгилар ҳисобланиб, уларга фазовий жойлашган уч ўлчамли объектлар, фигуралар ва чизиқлар ҳамда фигураларнинг комбинациялари киради.

Жамлама белгиларга турли тавсифдаги тасвирий, сўзли, ҳажмли ва бошқа элементлар комбинацияси киради.

Бошқа белгиларга позицион, товушли, ҳаракатли, ёруғликдан иборат бўлган, голографик, ҳидли каби белгилар киради.

7. Қуйидагилар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

а) давлат герблари, байроқлари ва давлат мукофотларининг тасвири туширилган белгилар;

б) давлатларнинг расмий номлари, халқаро ёки ҳукуматлараро ташкилотларнинг қисқартирилган ёки тўлиқ номлари;

в) расмий назорат, кафолат тамғалари ва намуна йўсинидаги тамғалар, муҳрлар;

г) давлат хизматларининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиладиган ажратиш ва фарқлаш белгилари тасвирлари;

д) фарқлаш хусусиятига эга бўлмаган белгилар, хусусан:

ўзига хос график тасвирга эга бўлмаган алоҳида ҳарфлар, рақамлардан иборат бўлган белгилар (рақамларнинг сўзли ифодаси бундан мустасно), сўз кўринишига эга бўлмаган ҳарфлар бирикмалари;

фақат фамилиядан иборат бўлган белгилар;

чизиклар, оддий геометрик шакллар ва уларнинг таркибига кирган алоҳида элементлардан фарқли, сифат жиҳатдан бошқа қабул қилиш даражасини берадиган композициялар ҳосил қилмайдиган бирикмалар;

товар белгиси сифатида товар ва хизматларни (кейинги ўринларда – товар) белгилаш учун уларнинг ҳақиқий ёки схематик тасвирлари;

шакли фақат функционал вазифасидан келиб чиқадиган уч ўлчамли объектлар;

товарларнинг шу товарларни белгилаш учун умумэътироф этилган номлари ушбу товарларни белгилаш учун;

ташкilot ва соҳаларнинг умумқабул қилинган қисқартирилган номлари ва аббревиатуралари;

е) муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умумфойдаланишда бўлган белгилар. Бундай белгилар деб маълум бир товар ёки турли ишлаб чиқарувчиларнинг шунга ўхшаш товарлари учун узоқ вақт ишлатилганлиги туфайли тушунча бўлиб қолган белгилар тушунилади;

ж) умумэътироф этилган рамзлар ва атамалар ҳисобланган белгилар, бунда:

умумэътироф этилган рамзларга товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхатидаги товарларга оид бўлган хўжалик ёки фаолият соҳасини акс эттирувчи белгилар, шунингдек, фан ва техникада қўлланиладиган шартли белгилар киради;

умумэътироф этилган атамаларга фан ва техниканинг аниқ бир соҳасига хос бўлган сўз бирликлари киради;

з) товарларни, шу жумладан, уларнинг тури, сифати, сони, хусусияти, қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва қийматини, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариладиган ёки ўтказиладиган жойи ва вақтини тавсифлаш учун фойдаланиладиган белгилар. Бунга, жумладан, қуйидагилар киради:

товарларнинг номлари;

товарлар сифат тоифасининг белгиси;

товарларнинг хусусиятини кўрсатувчи (шу жумладан, мақтов тавсифига эга бўлган) белгилар;

хомашё материаллини ва таркибини кўрсатувчи белгилар;

товарларнинг оғирлиги, ҳажми, нархи, ишлаб чиқарилган санасини кўрсатувчи белгилар;

умумий номлар;

ишлаб чиқаришни яратиш тарихидан маълумотлар;

корхоналарнинг номлари;

товар тайёрловчиларнинг ва воситачиларнинг манзиллари;

қисман ёки тўлиқ географик номдан иборат бўлиб, товар тайёрловчининг жойлашган жойи сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган белгилар;

и) товар ёки унинг тайёрловчиси тўғрисидаги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар (хусусан, истеъмолчининг онгида товарнинг ҳақиқатга тўғри келмаган маълум бир сифати, унинг тайёрловчиси ёки келиб чиққан жойи ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қиладиган белгилар), бунда белгининг камида битта элементи ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлса, белги ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин деб эътироф этилади;

к) товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

л) маъданли сувлар, вино ёки кучли спиртли ичимликларнинг аслиятини акс эттирувчи географик номлар бўлган ёки шундай номларни ифодаловчи белгилар, ушбу жойда чиқарилмаган товарларни белгилаш учун ишлатилган белгилар, шунингдек, улар таржима қилиб ёки “кўринишдаги”, “турдаги”, “усулдаги” ва бошқа шунга ўхшаш сўзлар билан қўшилган ҳолда қўлланилганда;

м) жамият манфаатларига, одамийлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлган белгилар, уларга хусусан, диний атама, нишон ва рамзлар, ахлоқсиз мазмундаги сўз ва тасвирлар, инсон қадрини, диний ҳиссиётларни ҳақорат қиладиган инсонпарварликка зид тавсифдаги шиорлар ва бошқалар. Буларга маълум бир товар номлари ҳамда унинг сифатларини ифодаловчи луғатда мавжуд сўзларни қасддан имло хатоси билан ифодалаш ҳам киради;

н) қуйидаги белгилар билан айнан бир хил ёки уларга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилар:

илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома топширилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган ёки шу турдаги товарларга нисбатан анча олдинроқ устуворликка эга бўлган товар белгилари билан айнан бир хил ёки уларга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилар;

ҳар қандай товарларга нисбатан бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда умумэтироф этилган товар белгилари билан айнан бир хил ёки уларга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилар;

Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган географик кўрсаткич ва товар келиб чиққан жой номи бўлган белгилар билан айнан бир хил ёки уларга адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилар, бу белгилар ҳар қандай товарларга нисбатан шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиладиган товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисм сифатида киритилган ҳоллар бундан мустасно;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сертификатлаш белгилари;

о) қуйидаги белгилар:

ўзга шахсларга тегишли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таниқли бўлган фирма номларини (ёки уларнинг бир қисмини), агар бу номга бўлган ҳуқуқ бир турдаги товарларни белгилаш учун талабнома келиб тушиш санасидан аввалроқ олинган бўлса, такрорловчи белгилар;

саноат намуналарини такрорловчи белгилар уларга бўлган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасида ўзга шахсларга тегишли бўлганда;

Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган илмий асарлар, адабиёт ва санъат асарларининг номларини, уларнинг қаҳрамонларини ёки ибораларини, санъат асарларини ёки улардан кўринишларни муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки унинг ҳуқуқий ворислари (меросхўрлари) розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар;

атоқли шахсларнинг фамилиялари, исмлари, тахаллуслари ва улардан ясалган сўзларни, бундай шахсларнинг портретларини ҳамда дастхатларини, булар Ўзбекистон Республикасининг тарихий ва маданий бойлиги бўлганда, ана шу атоқли шахслар, уларнинг меросхўрлари ёки давлат органи розилигини олмаган тарзда такрорловчи белгилар.

8. Мазкур Регламентнинг 7-банди “а” – “г” кичик бандларида кўрсатилган белгилар, агар бунга тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг розилиги бўлса, товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

9. Мазкур Регламентнинг 7-банди “д” – “з” кичик бандларида кўрсатилган белгиларни рўйхатдан ўтказишга, агар бу белгилар амалда улардан аниқ товарлар учун фойдаланиш натижасида фарқланиш хусусиятига эга бўлганлиги исботланса, йўл қўйилиши мумкин.

Исбот сифатида талабнома топширилган санагача талабномада кўрсатилган белгидан фойдаланилганлиги натижасида фарқланиш хусусиятига эга эканлигини тасдиқлайдиган қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларнинг сотилиш ҳудудлари;

талабномада кўрсатилган товарларни белгилаш учун берилган белгидан фойдаланиш муддати;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарларнинг рекламаси учун сарфланадиган харажатлар ҳажми;

талабномада кўрсатилган белги ва шу белги билан белгиланган товарларнинг ишлаб чиқарувчилари ҳақида истеъмолчиларнинг хабардорлик даражаси тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, ижтимоий сўровларнинг натижалари;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар ҳақидаги ахборот очик матбуотда нашр қилинганлиги тўғрисида маълумотлар;

талабномада кўрсатилган белги билан белгиланган товарлар Ўзбекистон Республикаси ёки чет мамлакатлардаги кўргазмаларда намойиш қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа маълумотлар.

Мазкур Регламентнинг 7-банди “д” – “з” кичик бандларида кўрсатилган белгилар, агар улар товар белгисида устун мавқега эга бўлмаса, унга муҳофаза қилинмайдиган қисмлар сифатида киритилиши мумкин.

10. Мазкур Регламент 7-банди “н” кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган товар белгилари билан адаштириб юбориш даражасида уларга ўхшаш бўлган белгиларни рўйхатдан ўтказишга товар белгиси эгасининг бу белгини рўйхатга олиш учун розилиги бўлганда, йўл қўйилади. Тегишли белги эгасининг розилик хатида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

розилик берган товар белгиси эгасининг тўлиқ номи (исми) ва манзили;

розилик олган шахснинг тўлиқ номи (исми) ва манзили;

розилик берган товар белгиси эгасининг лавозими (юридик шахс бўлганда), фамилияси ва имзоси;

эгаси розилик берган товар белгисининг тасвири;

розилик олиб талабнома топшириладиган белгининг кўриниши;

розилик берилган товар ёки товарларнинг рўйхати;

розилик хатининг санаси.

11. Мазкур Регламентнинг 7-банди “о” кичик бандида кўрсатилган машхурлик (таниқлилиқ ва атоқлилиқ) товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказишга тақдим этилган белгининг устуворлик санасига нисбатан аниқланади.

3-боб. Талабномага доир талаблар

12. Қонуннинг 9-моддаси биринчи қисмига мувофиқ талабнома битта товар белгисига тааллуқли бўлиши керак.

13. Талабнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун ариза (кейинги ўринларда – ариза);
талабномада кўрсатилган белгининг тасвири;

белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун Товарлар ва хизматларнинг халқаро таснифига (кейинги ўринларда – ТХХТ) мувофиқ гуруҳланган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарларнинг рўйхати.

14. Талабнома жамоавий белгига оид бўлганда, талабномага юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмаси қатнашчиларининг жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишуви (кейинги ўринларда – келишув) илова қилинади.

15. Келишувда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

жамоавий белгини ўзининг номига рўйхатдан ўтказишга ваколат берилган бирлашманинг номи;

жамоавий белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати (СТИР ёки ЖШШИР кўрсатилган ҳолда);

жамоавий белги билан белгиланадиган товарларнинг рўйхати ва ягона сифат ёки бошқа умумий кўрсаткичлари;

жамоавий белгидан фойдаланиш шартлари;

жамоавий белгидан фойдаланишни назорат қилиш тартиби ҳақидаги қоидалар.

Келишувда қатнашчиларнинг хоҳишига кўра бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Келишув жамоавий белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан имзоланади.

16. Конвенция устуворлиги сўраб топширилган талабномага (кейинги ўринларда – конвенция талабномаси) талабнома берувчи томонидан Саноат мулкани муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (1883 йил) (кейинги ўринларда – Париж конвенцияси) қатнашчиси бўлган давлатда топширилган биринчи талабноманинг тасдиқланган нусхаси ва унинг таржимаси илова қилинади. Улар конвенция талабномаси ваколатли органга келиб тушган санадан бошлаб уч ой муддатдан кечиктирилмай топширилади. Биринчи талабнома нусхасининг таржимаси талабнома берувчи томонидан имзоланади.

Конвенция устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома топширишда (аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки ваколатли органга талабнома келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат давомида топширилиши мумкин.

17. Кўргазма устуворлигини сўраб топширилган талабномага бундай устуворликни сўрашнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади, у ваколатли органга талабнома келиб тушган санадан бошлаб уч ойдан кечиктирилмай топширилади.

Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжат Париж конвенциясининг қатнашчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудида ташкил этилган кўргазманинг мақомини, яъни расмий халқаро кўргазмаларни ёки расмий деб тан олинган шундай кўргазмаларни тасдиқлаши ва товарларни намоёйиш этган шахснинг номини (исмини), белгини, шу белги қўйилган товарлар рўйхатини, шунингдек, экспонатларни очиқ намоёйиш этиш бошланган санани ўз ичига олиши керак. Ҳужжат тегишли кўргазманинг ваколатли шахси томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Кўргазма устуворлигини белгилаш ҳақидаги илтимоснома талабнома топширишда (аризанинг тегишли графасида келтирилади) ёки талабнома ваколатли органга келиб тушган санадан сўнг икки ой мобайнида тақдим этилиши мумкин.

18. Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун ариза мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда топширилади.

Бошқа тилда топширилган ҳужжатлар уларнинг таржималари бошқа тилда топширилган ҳужжатлар келиб тушган санадан бошлаб икки ой муддат ичида топширилганда, ваколатли органга келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади, акс ҳолда ҳужжатлар уларнинг таржималари келиб тушган санадан бошлаб топширилган деб ҳисобланади.

19. Аризанинг 750-кодли “Ёзишмалар учун манзил” графасида хат олувчининг номи (юридик шахслар учун) ёки исми (жисмоний шахслар учун), шунингдек, тўлиқ жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами, электрон почтасидан камида бири кўрсатилади. Ушбу маълумотлар учинчи шахслар ҳуқуқ эгаси билан боғланиши учун очиқ ҳисобланади.

20. Аризанинг 210-кодли “Талабноманинг қайд рақами” ва 220-кодли “Талабноманинг келиб тушган санаси” графалари ариза ваколатли органга келиб тушгандан кейин реквизитларни киритиш учун мўлжалланган.

Баъзи бир маълумотларни тегишли графаларда тўлиқ жойлаштириш имкони бўлмаганда, улар ўша шакл бўйича қўшимча варақда келтирилади ва талабноманинг тегишли графасида “давоми қўшимча варақда” деб кўрсатилади.

21. Аризанинг 731-кодли “Талабнома берувчи” графасида талабнома берувчи тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар келтирилади:

юридик шахснинг расмий номи (таъсис ҳужжати бўйича) ёки жисмоний шахснинг тўлиқ исми, шунингдек:

резидентлар учун СТИР ёки ЖШШИР, жойлашган жойи (почта манзили) ёки турар жойи манзили;

норезидентлар учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг (кейинги ўринларда – БИМТ) ST.3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у белгиланган бўлса).

22. Аризанинг устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимоснома кўрсатилган графа ваколатли органга талабнома келиб тушган санадан олдинроқ устуворлик сўралаётганда, тўлдирилади.

Аризанинг 310-кодли “Биринчи талабнома рақами” графасида конвенция устуворлигини сўрашга асос бўлаётган биринчи талабнома рақами кўрсатилади.

Аризанинг “Сўралаётган устуворлик санаси” графасида сўралаётган устуворлик санаси кўрсатилади.

Аризанинг 330-кодли “Талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича коди” графасида талабнома берилган мамлакатнинг БИМТнинг ST.3 стандарти бўйича коди кўрсатилади.

Аризанинг 641-кодли “Дастлабки талабнома рақами” графасида ушбу талабнома ажратиб олинган дастлабки талабнома рақами кўрсатилади.

Аризанинг 646-кодли “Халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами” графасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аввал муҳофаза қилинган товар белгисининг халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами кўрсатилади.

23. Талабнома берувчи томонидан иш олиб бориш унинг вакили орқали амалга оширилган ҳолда тўлдириладиган аризанинг 740-кодли “Вакил” графасида қуйидаги маълумотлар келтирилади: тўлиқ номи ёки исми, рўйхат рақами (патент вакили бўлса), жойлашган жойи (почта манзили), телефон рақами.

24. Аризанинг 540-кодли “Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири” графасида талабномада кўрсатилаётган белгининг фотосурати жойлаштирилади.

Рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида этикетка кўринишидаги белгига талабнома топширилаётганда, белгининг тасвири сифатида этикетканинг ўзи топширилиши мумкин.

Рўйхатдан ўтказиш учун товар белгиси сифатида уч ўлчамли шаклга эга бўлган белгига талабнома топширилаётганда, 540-кодли “Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири” графасида шу белгининг умумий кўринишидаги тасвири жойлаштирилади. Шунингдек, талабномада кўрсатилган белги тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилувчи барча зарур проекцияларнинг тасвири (3/4 проекциядаги умумий кўриниши, олд томондан, орқа томондан, ён томондан, устки томондан, остки томондан) ҳам келтирилади.

Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири товар белгисини қайси ранг ёки ранглар бирикмасида рўйхатдан ўтказиш сўралаётганда, ўша ранг ва ранглар бирикмасида топширилади.

Белгининг тасвири унинг барча элементларини яққол кўриш даражасида сифатли бўлиши керак.

Таркибида сўзли элемент мавжуд товар белгисининг номи у берилган алифбода аризанинг 541-кодли “Товар белгисининг номи” графасида келтирилиши мумкин.

25. Аризанинг 550-кодли “Белги турига тааллуқли кўрсатмалар” графаси тегишли катакларда белгиланади.

26. Аризанинг 561-кодли “Белги ёки унинг қисмлари транслитерацияси” графасида чет тилида келтирилган сўзларнинг транслитерацияси лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосида келтирилади.

27. Аризанинг 571-кодли “Талабнома топширилаётган белгининг тавсифи” графасида талабномада кўрсатилган белгининг таркибий қисмлари ва ҳар бир элементнинг тўлиқ таърифи келтирилади.

Сўзли белги ёки унинг бир қисми маънога эга бўлмаганда, унинг вужудга келиш усули қуйидагича келтирилади: бир неча сўзларнинг бошланғич бўғинлари, аббревиатура, тўқиб чиқарилган сўз ва бошқалар.

Белги ёки унинг бир қисми тасвирий бўлганда, унга кирувчи барча элементларнинг тавсифи келтирилади, шунингдек, маъноси бўлганда, у ҳам кўрсатилади.

Ёруғлик, товушли, ҳидли ёки бошқа белгилар график кўринишида топширилади.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун позицион белгига талабнома топширилганда, белгининг маҳсулотда жойлашган ўрни келтирилади.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ҳаракатдаги белгига талабнома топширилганда, белгида ҳаракатлар кетма-кетлиги, вақтининг узунлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари келтирилади.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ёруғлик белгисига талабнома топширилганда, ёруғлик рамзларининг (сигналларининг) тавсифи, уларнинг кетма-кетлиги, ёритиш вақтининг узунлиги ва бошқа ўзига хос хусусияти келтирилади.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун товушли белгига талабнома топширилганда, у таркиб топган товуш (товушлар) тавсифи, шунингдек, нота ёзуви ёки частоталар диаграммаси келтирилади.

Товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказиш учун ҳидли белгига талабнома топширилганда, композиция таркиби ва ҳидни тавсифловчи кимёвий бирикма формуласи келтирилади.

28. Рангли белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётганда, аризанинг 591-кодли “Ранги ёки ранглар уйғунлиги” графасида унинг ранги ёки ранглар бирикмаси кўрсатилади.

Рангларнинг тавсифи белгида фойдаланиладиган рангларга мос келиши керак. Оқ-қора рангдаги белгини рўйхатдан ўтказиш сўралаётганда, кўрсатилган графани тўлдириш талаб этилмайди.

29. Аризанинг 511-кодли “Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун ТХХТ синфлари бўйича гуруҳланган ва давлат рўйхатидан ўтказиш сўралаётган товарлар ва хизматлар” графасида товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхати кўрсатилади.

Аризанинг ушбу графаси остида бевосита жойлашган “Синфи” графасида ТХХТ бўйича синф ва “Товарлар ва хизматлар номи” графасида товарларнинг номлари кўрсатилади.

ТХХТ синфлари бўйича гуруҳларга ажратилган товарлар бирхиллаштириш имконини берувчи амалдаги ТХХТ таҳририга киритилган номларга мос бўлиши керак.

30. Аризанинг “Илова қилинган ҳужжатлар” графасида талабномага алоқадор ҳужжатлар бириктирилади.

31. Белги Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 1–4-бандларида санаб ўтилган элементларга эга бўлганда, талабномага тегишли давлат органининг ёки белги эгасининг ушбу тасвирлардан фойдаланишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

32. Белги таркибида ишлаб чиқаришга асос солинган сана, талабнома берувчи томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ёки кўрсатилаётган хизматларга берилган мукофотлар, тасвирига оид кўрсатмалар бўлганда, талабномага асос солинган сана ва талабнома берувчининг мукофотларга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

33. Вакил орқали топширилган талабномага унга талабнома берувчи томонидан берилган ва унинг ваколатларини тасдиқлайдиган ишончнома илова қилинади.

Ишончнома талабнома билан бир вақтнинг ўзида ёки талабнома топширилган санадан икки ойдан кечиктирилмай тақдим этилади.

4-боб. Ҳужжатларни топшириш

34. Давлат хизматидан фойдаланишда:

резидентлар ваколатли органнинг махсус ахборот тизими (кейинги ўринларда – ахборот тизими) ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали;

норезидентлар ахборот тизими орқали ваколатли органга талабнома топширади.

Талабнома ваколатли органга почта алоқаси орқали ҳам топширилиши мумкин. Бунда талабнома ваколатли орган томонидан зудлик билан ахборот тизимига киритилади.

35. Талабнома топширилгандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар ахборот тизими орқали амалга оширилади.

36. Ахборот тизими ва ЯИДХП ўртасида ахборот алмашинуви электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотларни узатиш тармоғи орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

37. Талабнома берувчи томонидан аризани тасдиқлашнинг рад этилиши, шунингдек, давлат хизматини кўрсатишда патент божини тўламаслик давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос бўлади.

Талабномани қабул қилишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

38. Аризани ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали топширишда ариза шакли тўлдирилганидан сўнг талабнома берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, аризани тасдиқлайди.

Юридик шахс номидан ариза ташкилот раҳбари ёки бошқа вакил қилинган шахс томонидан тасдиқланади.

Ариза уни почта алоқаси орқали топширишда имзолаш йўли билан тасдиқланади. Бунда тегишли маълумотлар кўшимча varaқларда келтирилганда, уларнинг ҳар бири имзоланади.

39. Давлат хизматини кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунида назарда тутилган миқдорда патент божи тўланади ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

Патент божи тўлови ягона биллинг тизими орқали электрон шаклда амалга оширилади.

40. Ваколатли орган талабномани қабул қилиб, рўйхатга олганидан сўнг талабнома берувчига талабноманинг қайд рақами ва келиб тушган санаси кўрсатилган хабарномани тегишли равишда ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали автоматик тарзда ёхуд почта алоқаси бўйича юборади.

Ваколатли орган қабул қилинган талабнома тўғрисидаги маълумотларни бир иш куни мобайнида ахборот тизимига барча фойдаланиши мумкин бўлган кўринишда жойлаштиради.

41. Талабнома ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига жойлаштирилгандан сўнг экспертиза қарори қабул қилингунга қадар манфаатдор шахслар ваколатли органга ноҳалол топширилган талабномалар ҳақидаги ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкин.

Манфаатдор шахсга ёзма эътироз кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисида ҳамда талабнома берувчига ушбу ёзма эътирозлар келиб тушганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан беш иш куни мобайнида маълум қилинади.

Ёзма эътирозда келтирилган важларга белгининг экспертизаси давомида тегишли баҳо берилади ва якунлари бўйича эътироз берган шахсга экспертиза қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни давомида жавоб берилади.

5-боб. Талабнома бўйича ишларни олиб бориш

42. Талабнома топширилгандан кейин юбориладиган материалда талабнома рақами кўрсатилиши шарт. Талабнома рақами кўрсатилмаган материаллар кўриб чиқилмасдан қайтариб юборилади.

43. Талабнома берувчи талабномага қуйидаги тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиши мумкин:

талабнома берувчи номини (исмини) ёки унинг вакилини ўзгартириш;

талабнома берувчи ёки унинг вакили манзилни, ёзишмалар олиб бориладиган манзилни ўзгартириш;

талабнома берувчини ўзгартириш;

келишувга ўзгартириш киритиш;

хатоларни тузатиш;

товарлар рўйхатини қисқартириш.

44. Талабнома материалларига мазкур Регламентнинг 47-бандида назарда тутилган ўзгартиришлардан бошқа тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш талабнома берувчи томонидан мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ ариза топшириш йўли билан амалга оширилади.

45. Мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ топширилган ариза ваколатли органга келиб тушганлиги ва уни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида талабнома берувчига хабар берилади.

46. Талабнома материалларига тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш учун патент божи тўланади. Патент божи тўланмаганда, ёки тўланган патент божининг миқдори белгиланган миқдордан кам бўлганда, материаллар кўриб чиқишга қабул қилинмайди ва бу ҳақда талабнома берувчига хабар берилади.

47. Талабнома материалларига талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги ёзувларни киритиш талабнома берувчи томонидан ариза топшириш йўли билан амалга оширилади. Аризада ҳуқуқ ўзга шахсга ўтказилиши кўрсатилишида ушбу Регламентнинг 19 ва 21-бандларида кўрсатилган маълумотлар бўлиши керак.

Ушбу ариза билан бирга ҳуқуқни топширувчи ва ҳуқуқни қабул қилиб олувчи томонидан имзоланган ҳуқуқ ўтказилганлигини тасдиқловчи далолатнома мазкур Регламентга 4-иловага мувофиқ тақдим қилинади.

Белгиланган талабларга риоя қилинганда, талабнома берувчига талабнома материалларига талабнома берувчининг ўзгартирилганлиги тўғрисида қайд киритилганлиги ҳақида хабар берилади. Кейинги барча ёзишмалар янги талабнома берувчи билан олиб борилади.

Талабнома берувчига талабнома материалларига ўзгартириш киритилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилган сана ҳуқуқ янги талабнома берувчига ўтган сана деб ҳисобланади.

Белгиланган талабларга риоя қилинмаганда, талабнома берувчи ва ҳуқуқни қабул қилиб олувчига тақдим этилган ҳужжатларга аниқликлар ва тузатишлар киритиш зарурлиги ёки талабнома материалларига талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги қайдни киритиш мумкин эмаслиги тўғрисида тегишли сабаблар кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

48. Бир нечта товарлар келтирилган талабномани талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига кўра иккита ёки бир нечта талабномага ажратиш (кейинги ўринларда – ажратилган талабнома) мумкин.

Бунда дастлабки талабнома кўриб чиқишга қабул қилинган ва чақириб олинмаган бўлиши керак, ажратилган талабнома талабнома берувчи томонидан дастлабки талабнома бўйича қарор қабул қилингунга қадар топширилади, ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар дастлабки талабномада қолдирилган товарлар билан бир хил бўлмаслиги лозим.

Илтимосномага мазкур Регламентнинг 13-17-бандларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжатлар илова қилинади ва талабномани ажратиш учун белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

Мазкур банд талабларига риоя қилинганда, талабномани ажратиш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилади ва талабнома берувчи бу ҳақда хабардор қилинади.

Илтимоснома қаноатлантирилганда, дастлабки талабномада кўрсатилган товарлар рўйхатига ажратилган талабномага киритилган товарлар дастлабки талабномадан чиқариб ташланганлиги ҳақида ўзгартишлар киритилади.

49. Талабнома берувчи томонидан тақдим этилган қўшимча материаллар мазкур Регламентнинг 98-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

50. Талабнома билан боғлиқ саволларни талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш, қоида тариқасида, талабнома топширилган белги ва товарлар рўйхати бўйича экспертиза томонидан қўшимча тушунтиришлар олиш зарурати пайдо бўлган ҳолатда ҳамда белгининг рўйхатдан ўтказиш шартларига мувофиқлиги тўғрисида экспертизанинг ва талабнома берувчининг позициясини аниқлаш учун ўтказилади.

Саволларни талабнома берувчи иштирокида кўриб чиқиш томонлар саволлар билан танишиб чиққандан сўнг Марказ таклифига ёки талабнома берувчининг илтимосига биноан ўтказилади. Экспертизанинг саволлари қўшимча равишда учрашувнинг мақсадга мувофиқлиги хабар қилинган экспертиза сўровномасида, талабнома берувчининг саволлари эса бундай кўриб чиқишни ўтказиш ҳақидаги илтимосномада баён этилади.

Экспертиза сўровномаси юборилганда, талабнома берувчи саволларни кўриб чиқишда қатнашиш ниятидан қатъи назар сўровномага Қонунда белгиланган муддатда жавоб бериши керак.

51. Талабнома берувчи иштирокида саволларни кўриб чиқиш санаси ва вақти олдиндан келишиб олинади.

52. Талабнома берувчи иштирокида саволларни кўриб чиқиш музокаралар йўли билан ёки эксперт кенгашида амалга оширилади.

Саволлар бевосита эксперт ва талабнома берувчи томонидан ҳал қилиниши мумкин бўлганда, улар ўртасида музокаралар олиб борилади. Музокаралар Марказнинг тегишли таркибий бўлини маси раҳбари ёки Марказ раҳбари тайинлаган бошқа масъул ходим иштирокида ўтказилади.

Саволларни ҳал қилиш учун мутахассислар иштироки талаб қилинганда, эксперт кенгаши ўтказилади.

Музокаралар ёки эксперт кенгаши натижалари бўйича икки нусхада белгиланган шаклдаги баённома тузилади ва унда қатнашчилар, томонлар келтирган далил ва таклифлар ҳақидаги маълумотлар ҳамда кейинги иш юритиш ҳақида хулосалар келтирилади.

Саволларни кўриб чиқишда қатнашувчиларнинг барчаси баённомани имзолайди. Баённоманинг бир нусхаси талабнома материалларига кўшиб қўйилади, иккинчиси талабнома берувчига топширилади.

53. Муҳокама қилинаётган масалалар бўйича бир хулосага келинмаганда, кўриб чиқишда қатнашувчиларнинг алоҳида фикрлари баённомада қайд этилади. Баённома нусхасининг талабнома берувчига топширилиши иш юритиш тўхтатилганлиги тўғрисидаги хабарноманинг (талабнома чақириб олинганда) ёки экспертиза сўровномасининг ўрнини босиши мумкин (жавоб беришнинг белгиланган муддатлари бузилмаганда) ва бу ҳолат баённомада тегишли ёзув билан расмийлаштирилади.

54. Талабнома берувчи талабномани чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза талабномани кўриб чиқишнинг исталган босқичида, лекин товар белгисини рўйхатдан ўтказиш санасига қадар топширилиши мумкин. Талабнома берувчига талабномани чақириб олиш тўғрисидаги ариза инобатга олинганлиги ҳақида хабарнома юборилган санадан бошлаб талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади.

55. Жамоавий товар белгисига талабнома ушбу белгидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг келишувига мувофиқ чақириб олинishi мумкин.

56. Чақириб олинган талабнома бўйича ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳаракатлар амалга оширилмайди. Бошқа талабномаларнинг экспертизасини ўтказишда чақириб олинган талабнома эътиборга олинмайди.

6-боб. Талабномани кўриб чиқиш

57. Талабномага ахборот тизимида автоматик равишда икки ҳарфли ва тўққиз хонали рўйхат рақами берилади, бунда ҳарфлар (ТВ) саноат мулки объекти – товар белгисини, талабнома рақамидаги дастлабки тўртта сон – талабнома топширилган йилни, кейинги бешта сон – шу йилдаги ҳар йили бирдан бошланадиган тартиб рақамини билдиради.

58. Талабномани давлат экспертизасидан ўтказиш расмий экспертизадан ўтказиш ҳамда талабномада кўрсатилган белгини экспертизадан ўтказишдан иборат бўлиб, Марказ томонидан амалга оширилади.

Агар мазкур Регламентда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат экспертизаси босқичидаги талабнома бўйича ёзишмалар Марказ билан олиб борилади.

59. Расмий экспертизанинг вазифаси талабнома материаллари таркиби, зарур ҳужжатлар мавжудлиги ва уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширишдан иборат.

Расмий экспертиза натижалари бўйича талабнома берувчига Марказнинг талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ёки қабул қилишни рад этиш ҳақидаги қарори юборилади.

60. Расмий экспертиза талабнома ахборот тизимида қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун давомида ўтказилади.

61. Расмий экспертиза жараёнида зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги, шунингдек, уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Текшириш қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларга нисбатан ўтказилади:

ариза;

талабнома берувчининг тўлиқ номи (исми) ва манзили кўрсатилганлиги;

вакилнинг тўлиқ номи ёки исми (вакил мавжуд бўлганда);

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган белгининг тасвири;

рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхати;

конвенция устуворлиги сўралганда, биринчи талабнома нусхаси;

кўргазма устуворлигини сўраш қонунийлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

товарлар рўйхатини ва уларнинг ТХХТ синфлари бўйича гуруҳланиши тўғрилигини текшириш;

патент божининг белгиланган миқдорга мувофиқлиги;

келишув (талабнома жамоавий белгига оид бўлганда);

ишончнома (вакил мавжуд бўлганда);

ажратилган талабнома топширилганда, талабномани товар белгисига берилган рақами кўрсатилган дастлабки талабномадан ажратиш тўғрисидаги илтимоснома;

бошқа тилда топширилган материалларнинг таржимаси.

62. Талабнома топширилган сана у ваколатли органга келиб тушган санага қараб белгиланади.

63. Талабнома материалларида мазкур Регламентнинг 61-банди бешинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи хатбошиларида кўрсатилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг ушбу Регламент талабларига мувофиқ эмаслиги талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги ҳақида қарор чиқариш учун тўсиқ бўла олмайди.

64. Талабнома берувчи томонидан патент божи давлат экспертизасини ўтказиш учун белгиланган миқдордан кам миқдорда тўланганда, давлат экспертизасини ўтказиш талабномада биринчи бўлиб кўрсатилган ва патент божи етарли миқдорда тўланган ТХХТнинг синфларига нисбатан белгини рўйхатдан ўтказиш учун амалга оширилади.

Талабнома берувчи етишмаётган патент божини қўшимча равишда тўланиши тўғрисида хабарнома юборилган санадан бошлаб уч ой мобайнида зарур суммани тўлаш ҳуқуқига эга.

65. ТХХТнинг талабнома берувчи томонидан санаб ўтилган товарларга мос синфлари сони талабнома топшириш учун патент божи тўланган синфлар сонидан ортиқ бўлганда, талабнома берувчига божнинг етишмаган қисмини тўлаш ёки ҳуқуқ ҳажмини чеклаш (талабномада келтирилган ТХХТ синфлари сонини қисқартириш) тўғрисида хабарнома юборилади.

Талабнома берувчи патент божининг етишмаган қисмини тўлашдан ёки ҳуқуқ ҳажмини камайтиришдан бош тортса, талабномада келтирилган белги экспертизаси ТХХТнинг биринчи бўлиб келтирилган синфларига нисбатан ўтказилади.

66. Расмий экспертиза ўтказиш жараёнида талабнома материаллари мазкур Регламентнинг талабларига риоя қилинмаган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланганда, талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади ва сўровномада аниқланган камчиликлар кўрсатилади.

67. Тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Регламентнинг 19-30-бандларидаги талабларни бузган ҳолда расмийлаштирилганлиги, шунингдек, ушбу Регламентнинг 61-бандида назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотларнинг мавжуд эмаслиги расмий экспертиза босқичида сўровнома юбориш учун асос бўлади.

68. Талабнома берувчи тақдим этган жавобда сўралган барча ҳужжатлар ва маълумотлар бўлмаганда, экспертиза сўровномаси такроран юборилади.

69. Талабнома материаллари белгиланган талабларга зид эмаслиги ҳақидаги хулосага келинганда, талабнома топширилган санани белгилаш ва талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш тўғрисидаги расмий экспертизанинг қарори қабул қилинади ва талабнома берувчига юборилади.

70. Расмий экспертиза томонидан талабнома материалларининг Қонун ва мазкур Регламент қоидаларига зид эканлигининг аниқланиши талабномани кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга асос бўлади.

71. Талабномани кўриб чиқишга қабул қилиш ёки талабномани кўриб чиқишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорда тегишли қарорни қабул қилиш асослари келтирилади.

72. Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси давомида қуйидагилар амалга оширилади:

талабнома материаллари ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг мазкур Регламентнинг 3-бобида назарда тутилган талабнома мазмуни ва расмийлаштирилишига бўлган талабларга мувофиқлигини қайта текшириш;

Қонуннинг 12-моддасига кўра товар белгиси устуворлигини белгилаш;

талабномада кўрсатилган белги Қонуннинг 3, 10-моддаларига (Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисми 14-банди бундан мустасно) ва мазкур Регламент 7-10-бандларига (7-банднинг “о” кичик банди бундан мустасно) мувофиқлигини текшириш.

Талабномада кўрсатилган белги экспертизаси талабнома топширилган санадан эътиборан етти ой ичида, бироқ олти ойдан кейин амалга оширилади.

73. Товарлар рўйхатини текшириш давомида талабнома берувчи томонидан товарларнинг ТХХТ синфлари бўйича тўғри гуруҳланганлиги текширилиб, товарларни белгилаш учун фойдаланилган атамаларни ТХХТнинг бирон бир синфидаги аниқ товар билан бир хил идентификация қилиш имконияти аниқланади.

Талабномада кўрсатилган товарлар рўйхатини тузатиш зарурати туғилганда, талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади. Сўровномага белгиланган муддат ичида жавоб берилмаганда, рўйхатдаги тузатиш талаб этилмайдиган товарлар бўйича экспертиза давом эттирилади.

74. Ажратилган талабнома бўйича товарлар рўйхатини текшириш давомида қуйидагилар аниқланади:

ажратилган талабномада кўрсатилган товарларнинг товар белгисига топширилган дастлабки талабномада мавжудлиги;

ажратилган талабномада кўрсатилган товарларнинг товар белгисига топширилган дастлабки талабномада қолганлари билан бир турда эмаслиги.

75. Экспертиза давомида талабнома берувчига белгининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш натижалари бўйича экспертиза сўровномаси юборилиши мумкин.

76. Товар белгисининг устуворлиги талабнома ваколатли органга келиб тушган санага қараб белгиланади.

Товар белгисининг устуворлиги, шунингдек, Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабнома санаси бўйича ёки Париж конвенциясига аъзо давлатлардан бирининг худудида ташкил қилинган расмий ёки расмий тан олинган халқаро кўргазмада ушбу белги билан белгиланган экспонатларнинг очиқ намоёиш қилинган санаси бўйича белгиланиши мумкин, агар Қонуннинг 12-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмида назарда тутилган талабларга риоя қилинган бўлиб, талабнома берувчи томонидан сўралаётган устуворликни тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар тақдим этилган бўлса.

77. Қонуннинг 12-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ конвенция устуворлиги сўралганда, қуйидагилар текширилади:

талабнома берувчи томонидан Париж конвенциясига аъзо давлатда топширилган биринчи талабноманинг нусхаси мавжудлиги, агар кўрсатилган нусха талабнома ваколатли органга келиб тушган санадан кейин тақдим этилса, талабнома нусхаси тақдим этилиши керак бўлган уч ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

биринчи талабнома топширилган санадан ҳисобланадиган конвенция устуворлиги сўралган талабноманинг топширилишида олти ойлик муддатга риоя қилинганлиги;

конвенция устуворлигини белгилаш ҳақидаги илтимоснома ваколатли органга талабнома топширилган санадан бошлаб икки ой ичида берилганлиги;

талабномада кўрсатилган белги ва товарлар рўйхатининг биринчи талабномадаги белги ва товарлар рўйхатига мувофиқлиги.

Бунда тақдим этилаётган товарлар рўйхати биринчи талабномада кўрсатилган товарларнинг ҳаммасини ҳам ўз ичига олмаган бўлиши мумкин.

78. Кўргазма устуворлиги сўралганда, Қонуннинг 12-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларига мувофиқ қуйидагилар текширилади:

кўргазма устуворлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжудлиги ва мазкур Регламентнинг 17-бандида назарда тутилган талабларга мувофиқлиги;

талабнома берувчи томонидан экспонат кўргазмада очиқ намоёиш этила бошланган санадан бошлаб олти ойлик муддатда талабнома топширилганлиги;

кўргазма устуворлигини белгилаш тўғрисидаги илтимосномани ваколатли органга талабнома келиб тушган санадан икки ойдан ошмаган муддатда тақдим этилганлиги;

товар кўргазмада намоёиш этилганда, талабномада кўрсатилган белги намоёиш этилган товарлардаги белгига мувофиқлиги.

79. Талабнома берувчи томонидан ушбу Регламентнинг 77 ва 78-бандларида кўрсатилган талабларнинг бирортаси бажарилмаганда, товар белгисининг устуворлиги мазкур Регламентнинг 76-бандига мувофиқ белгиланади ҳамда бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади.

80. Талабнома берувчининг ажратилган талабнома бўйича товар белгиси устуворлиги ваколатли органга дастлабки талабнома топширилган сана бўйича белгиланади. Дастлабки талабнома бўйича олдинроқ устуворлик белгилаш ҳуқуқи мавжуд бўлганда, агар ажратилган талабнома топширилган санагача дастлабки талабнома чақириб олинган бўлмаса ва ажратилган талабнома дастлабки талабнома бўйича қарор қабул қилинишидан олдин топширилган бўлса, устуворлик ушбу устуворлик санаси бўйича белгиланади.

81. Ажратилган талабнома бўйича устуворликни белгилашда Қонуннинг 12-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ қуйидаги шартларга риоя қилинганлиги текширилади:

худди ўша талабнома берувчининг товар белгисига топширилган дастлабки талабномани ажратиш тўғрисида илтимосноманинг мавжудлиги;

дастлабки талабнома чақириб олинмаганлиги;

ажратилган талабноманинг дастлабки талабнома бўйича қарор қабул қилинмай туриб амалга оширилганлиги;

талабнома топшириладиган белгининг дастлабки талабномадаги белгига мувофиқлиги;

ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар дастлабки талабномада кўрсатилганлиги.

82. Белги Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) ва ушбу Регламентнинг 7-10-бандларида (7-банднинг “о” кичик банди бундан мустасно) белгиланган талабларга мувофиқ текширилади.

Белги фақат мазкур Регламент 7-бандининг “а”-“з” кичик бандларида кўрсатилган белгилардан иборат бўлса ёки унинг элементлари сифатида мазкур Регламент 7-бандининг “и” – “м” кичик бандларида кўрсатилган белгилардан бирини ўз ичига олса, шу белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш мумкин эмаслиги ҳақида хулоса қилинади.

Белги фақат мазкур Регламент 7-бандининг “а”-“з” кичик бандларида назарда тутилган муҳофазага лаёқатли бўлмаган белгилардан иборат бўлмаса, лекин улардан бирини ўз ичига олган бўлса:

мазкур Регламент 7-бандининг “а”-“г” кичик бандларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, тегишли ваколатли орган ёки уларнинг эгаларининг розилиги тасдиқланган ҳужжат мавжудлиги текширилади. Бундай розиликсиз товар белгисини рўйхатдан ўтказишга йўл қўйилмайди;

ушбу Регламент 7-бандининг “д”-“з” кичик бандларида кўрсатилган белгилар мавжуд бўлганда, улар товар белгисида устун мавқега эгаллиги текширилади.

83. Барча элементларда белги бошқа белги билан мос тушса, айнан бир хил деб ҳисобланади.

Белги белгига умуман олганда, ёки қисман ўхшаш бўлса, алоҳида фарқларига қарамадан бошқа белги билан адаштириб юбориш даражасида ўхшаш деб ҳисобланади.

Белгилар ўхшашлигини баҳолаш белгиларнинг ҳар қандай хусусиятлари, шу жумладан, сўзли ёки график элементлар, уларнинг композицион ва ранг-график ечими ва бошқалар таъсири остида шаклланадиган умумий тасаввур асосида амалга оширилади.

84. Айнан бир хиллик ва ўхшашликни текширишда қуйидаги амаллар бажарилади:

айнан бир хил ва ўхшаш белгиларни излаш ўтказилади;

талабномада кўрсатилган ва излашда топилган белгиларнинг ўхшашлик даражаси аниқланади;

излашда аниқланган товар белгилари қайси товарлар учун рўйхатга олинган (талабнома топширилган) бўлса, ушбу товарлар билан талабномада кўрсатилган товарларнинг турдошлиги аниқланади.

85. Қонуннинг 10-моддаси биринчи қисмининг 13-бандида санаб ўтилган белгилар орасида айнан бир хиллик ва адаштириб юбориш даражасида ўхшашлик бўйича излаш ўтказилади.

86. Сўзли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

сўзли белгилар билан;

таркибига сўзли белгилар кирган жамлама белгилар билан.

Сўзли белгилар ўхшашлиги товушли (фонетик), график (кўз билан кўрадиган) ва мазмунан (семантик) бўлиши мумкин.

87. Товушли ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

а) таққосланаётган белгиларда яқин ва мос тушадиган товушлар мавжудлиги;

б) белгиларни ташкил қилувчи товушларнинг яқинлиги;

в) яқин товушлар ва товуш бирикмаларининг бир-бирига нисбатан жойлашиши;

г) мос бўғинлар мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши;

д) белгилардаги бўғинлар сони;

е) мос товуш бирикмаларининг белги таркибидаги ўрни;

- ж) унли товушлар таркибининг яқинлиги;
- з) ундош товушлар таркибининг яқинлиги;
- и) белгилари бир-бирига мос қисмларининг тавсифи;
- к) бир белгининг иккинчисига кириши;
- л) урғу.

88. График ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- а) умумий кўриш таассуроти;
- б) шрифт тури;
- в) ҳарфлар тавсифини ҳисобга олган ҳолда график ёзилиши (босма ёки ёзма, бош ёки кичик ҳарф);
- г) ҳарфларнинг бир-бирига нисбатан жойлашиши;
- д) сўз ҳарфлари ёзилган алифбо;
- е) ранг ёки ранглар уйғунлиги.

89. Мазмунан ўхшашлик қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- белгиларда ифодаланган тушунчалар, ғояларнинг синоним ўхшашлиги;
- белгининг мантиқий урғу берилган ва мустақил аҳамиятга эга бўлган бирорта элементга мос тушиши;
- белгида ифодаланган тушунчалар, ғоялардаги қарама-қаршилик.

90. Мазкур Регламентнинг 87-89-бандларида санаб ўтилган аломатлар ҳар бири алоҳида ва турли бирикмаларда ҳисобга олиниши мумкин.

91. Тасвирий ва ҳажмли белгиларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

- тасвирий белгилар;
- ҳажмли белгилар;
- таркибига тасвирий ёки ҳажмли элементлар кирган жамлама белгилар.

92. Тасвирий ва ҳажмли белгиларнинг ўхшашлиги қуйидаги аломатлар асосида аниқланади:

- ташқи шакли;
- симметрия мавжудлиги ва мавжуд эмаслиги;
- мазмун-моҳияти;
- тасвир кўриниши ва тавсифи (табiiй кўриниши, ўзига хослиги, ҳажвий ва бошқалар);
- ранглар ва туслар уйғунлиги.

Мазкур бандда назарда тутилган аломатларнинг ҳар бири алоҳида ва турли бирикмаларда ҳисобга олиниши мумкин.

93. Жамлама белгининг ўхшашлигини аниқлаш учун улар қуйидагилар билан таққосланади:

жамлама белгилар;

текширилаётган жамлама белги таркибига унинг элементи сифатида кирадиган белгилар тури.

Жамлама белгиларнинг ўхшашлигини аниқлашда мазкур Регламентнинг 86-92-бандларида келтирилган аломатлардан фойдаланилади ва айнан ўхшаш ёки ўхшаш элементнинг талабномада кўрсатилган белгидаги ҳолатининг аҳамияти текширилади.

94. Товарларнинг турдошлилигини белгилашда истеъмолчида шу товарлар битта ишлаб чиқарувчига қарашли деган қатъий тасаввур пайдо бўлиш имконияти аниқланади.

Товарлар турдошлилигини белгилашда эса товарлар тури, бажарадиган вазифаси, улар тайёрланган материал тури, товарларнинг ўзаро бир-бирини тўлдириши ёки ўзаро бир-бирининг ўрнини боса олиши, товарларни сотиш шарти, истеъмолчилар доираси ва бошқа аломатлар ҳисобга олинади.

95. Қўшимча материалларсиз талабномада кўрсатилган белгининг экспертизасини ўтказиш мумкин бўлмаганда, Қонуннинг 13-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади.

Экспертиза сўровномасини юбориш учун қуйидаги ҳолатлар асос бўлади:

ушбу Регламентнинг 15-17, 31-33-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурати;

товар таснифи ва рўйхатини, шу жумладан, ажратилган талабномада кўрсатилган товарлар рўйхати ушбу Регламентнинг 48-банди иккинчи хатбошиси талабларига мос келмаган ҳолларда аниқлаштириш зарурати;

талабномада кўрсатилган товарлар рўйхати таснифини аниқлаштириш натижасида тўланган патент божи ТХХТ синфлари сонига тўғри келмаслиги аниқланганда, патент божининг етишмаган қисмини тўлаш зарурати;

талабномада кўрсатилган белги тавсифига аниқлик киритиш зарурати;

барча товарлар ёки уларнинг бир қисми учун рўйхатдан ўтказишга аввалроқ топширилган ўхшаш товар белгилари ёки бошқа белгилар аниқланганлиги сабабли юзага келган саволларни ҳал қилиш зарурати.

Мазкур бандда назарда тутилган асослар бўйича тузилган экспертиза сўровномасига талабномани кўриб чиқишда келиб чиққан бошқа хусусиятдаги саволлар, шунингдек, устуворликни белгилаш билан боғлиқ саволлар киритилиши мумкин.

96. Экспертизанинг сўровномада келтирилган фикри, хусусан, Қонун моддалари, мазкур Регламент ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга изох берилган ҳолда асосланган бўлиши керак.

97. Талабнома берувчи томонидан экспертиза сўровномаси бўйича тақдим этилган қўшимча материаллар ушбу Регламентнинг 98-бандига мувофиқ кўриб чиқилади.

98. Талабнома берувчи томонидан экспертиза сўровномаси бўйича ёки ўз ташаббусига кўра қўшимча материаллар тақдим этилса, улар кўриб чиқишга қабул қилинади ва талабнома моҳиятини ўзгартирмаслиги текширилади.

Қуйидаги ҳолларда қўшимча материаллар талабнома моҳиятини ўзгартиради деб эътироф этилади:

қўшимча материаллар талабномада кўрсатилган белгини ўзгартириши мумкин бўлганда;

қўшимча материаллар талабномада кўрсатилмаган товарлардан иборат бўлганда.

99. Талабнома материаллари белгиланган талабларга зид эмаслиги ҳақидаги хулосага келинганда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги экспертизанинг қарори қабул қилинади ва талабнома берувчига юборилади.

100. Экспертиза томонидан талабнома материалларининг Қонун ва мазкур Регламент қоидаларига зид эканлигининг аниқланиши товар белгисини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишга асос бўлади.

101. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ёхуд уни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарорда тегишли қарорни қабул қилиш асослари келтирилади.

102. Белги Қонуннинг 3 ва 10-моддаларида (10-модда биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) кўрсатилган талабларга товарларнинг бир қисми учун жавоб берганда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор товарларнинг шу қисмига нисбатан қабул қилинади.

103. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда товар белгисига муҳофаза қилинмайдиган элементлар кўрсатилади.

Рўйхатдан ўтказиш сўралган белги рангли тасвирда бўлганда, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорда белгидаги ранг ёки ранглар уйғунлиги кўрсатилади.

104. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказиш санасига қадар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида олдинроқ устуворликка эга бўлган айнан бир хил ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш товар белгисига талабнома келиб тушиш муносабати билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

105. Талабнома берувчининг хоҳишига кўра талабноманинг экспертизаси Марказ томонидан тезкор тартибда талабнома кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисида қарор чиқарилган кундан эътиборан бир ой мобайнида ўтказилади.

Талабноманинг экспертизасини тезкор тартибда ўтказиш талабнома берувчининг бу ҳақдаги илтимосномасига асосан амалга оширилади. Бунда экспертизани тезкор тартибда ўтказиш ҳақидаги илтимоснома талабнома топширилган санадан эътиборан уч ой давомида Марказга тақдим қилиниши керак.

106. Талабноманинг экспертизасини тезкор тартибда ўтказишда ахборотни излаш товар белгисининг ҳуқуқий муҳофазага лаёқатлилигини текширишдан олдин амалга оширилади.

Ахборотни излаш талабнома берувчи ва Марказ ўртасида тузиладиган шартнома асосида Марказ томонидан ўтказилади.

107. Ахборотни излаш расмий экспертиза яқунланган кундан бошлаб ўн кун ичида амалга оширилади ва унинг натижалари бўйича ҳисобот тузилади.

Ахборотни излаш натижалари бўйича ҳисоботда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

излаш ўтказилган талабнома рақами;

талабнома топширилган сана;

талабномада кўрсатилган белгининг ТХХТ бўйича синфлари;

ахборотни излаш ўтказилган белгининг тасвири;

маълумотлар базалари, луғатлар, махсус адабиётлар рўйхати;

библиографик маълумотлар кўринишидаги ахборотни излашга алоқадор ҳужжатлар, муайян синфларга ҳаволалар. Агар талабнома бўйича илгарироқ устуворлик сўралаётган бўлса, талабнома топширилган санадан аввал, лекин устуворлик белгиланган санадан кейин эълон қилинган белгилар алоҳида қайд қилинади;

ахборотни излаш яқунланган сана.

Оммага маълум бўлган ҳар қандай маълумотлар ахборот излашнинг ҳажмига киритилиши мумкин.

108. Ахборотни излаш амалга оширилгандан сўнг унинг натижалари бўйича мазкур Регламентга мувофиқ талабномада кўрсатилган белгининг экспертизаси ўтказилади.

109. Белгиланган патент божи тўланганда ваколатли орган товар белгисини мазкур Регламентга 5-иловага мувофиқ шаклдаги Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг давлат реестрида автоматик тарзда рўйхатдан ўтказди. Бунда товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома электрон шаклда ахборот тизими орқали талабнома берувчига юборилади.

Товар белгиси рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар ваколатли орган томонидан ўзининг расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Талабнома берувчининг хоҳишига кўра гувоҳнома почта алоқаси орқали кўрсатилган манзилга юборилиши мумкин.

7-боб. Халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза тақдим этиш

110. Қонуннинг 4-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда тақдим этилади.

111. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённоманинг (кейинги ўринларда – Халқаро баённома) 3(4)-моддасига мувофиқ Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Халқаро бюросидан (кейинги ўринларда – Бюро) келган Халқаро баённомага асосан товар белгисини рўйхатдан ўтказиш (кейинги ўринларда – халқаро рўйхатдан ўтказиш) тўғрисидаги хабарнома, шу жумладан, халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида юзага келадиган муҳофазанинг Ўзбекистон Республикасига тааллуқли эканлиги тўғрисида Халқаро баённоманинг 3ter-моддасида назарда тутилган ариза билан боғлиқ ҳолда келиб тушган Бюронинг хабарномаси халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгисини давлат экспертизасидан ўтказиш учун асос бўлади.

112. Бюронинг хабарномаларида келтирилган халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгилари Қонуннинг 3-моддаси биринчи қисми ва 10-моддасига (10-моддаси биринчи қисмининг 14-банди бундан мустасно) мувофиқлиги текширилади.

113. Халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгиси белгиланган қоидаларга мос келганда, унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофаза тақдим этилади.

114. Халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгиси белгиланган талабларга мос келмаганда, Халқаро баённоманинг 5-моддасига мувофиқ Бюрога Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унга ҳуқуқий муҳофаза тақдим этишнинг дастлабки рад этилиши тўғрисидаги хабарнома (кейинги ўринларда – дастлабки раддия) рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда юборилади.

Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси олти ой ичида дастлабки раддияда келтирилган сабаблар бўйича ўз мулоҳазаларини тақдим этишга ҳақли эканлиги келтирилади.

115. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси дастлабки раддияда келтирилган сабаблар бўйича ўз далилларини белгиланган муддатда тақдим этганда, Бюрога уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабарнома юборилади.

116. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси дастлабки раддияда келтирилган сабаблар бўйича ўз далилларини белгиланган муддатда тақдим этмаганда, Бюрога дастлабки раддияни тасдиқлаш ҳақида хабарнома (узил-кесил раддия) юборилади.

8-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига биноан аввал муҳофаза қилинган товар белгисига талабнома

117. Қонуннинг 8-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг шартномасига биноан аввал муҳофаза қилинган ва белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотларнинг Бюро олиб борадиган реестридан чиқарилган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги талабнома ваколатли органга аввал ушбу белгини халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси бўлган шахс томонидан топширилади.

118. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топшириш санаси ва товар белгисининг устуворлиги санаси халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ҳамда халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санаси бўйича қуйидаги шартларга риоя қилинганда, белгиланади:

талабнома халқаро рўйхатдан ўтказиш белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги маълумотларнинг Бюро олиб борадиган реестридан чиқарилган санадан бошлаб уч ой мобайнида топширилганда;

товар белгисини рўйхатдан ўтказиш сўралаётган товарлар рўйхати Ўзбекистон Республикасига нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказиш амал қилган товарлар рўйхатига мувофиқ келганда;

талабнома Қонуннинг 9-моддаси ва мазкур Регламентда назарда тутилган талабларга биноан расмийлаштирилганда.

119. Талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида унинг мазкур Регламентнинг 118-бандида кўрсатилган шартларга риоя қилинганлиги текширилади.

120. Кўрсатилган шартларга риоя қилинганда, халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси ёки халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санаси бўйича талабнома топширилган сана ва товар белгисининг устуворлиги белгиланади ҳамда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

121. Мазкур Регламентнинг 118-бандида кўрсатилган шартларга риоя қилинмаганда, талабнома берувчига экспертиза сўровномаси юборилади.

122. Талабнома берувчи белгиланган муддатда экспертиза сўровномасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этганда, мазкур Регламентнинг 120-бандига мувофиқ талабномани кўриб чиқиш давом этади.

123. Талабнома берувчи сўралган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаганда, талабнома топшириш санаси ва товар белгиси устуворлиги мазкур Регламентнинг 76-бандига мувофиқ белгиланади.

Талабномани кейинчалик кўриб чиқиш ушбу Регламент 59-104-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

9-боб. Яқунловчи қоидалар

124. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ экспертиза сўровномасига талабнома берувчи томонидан жавоб уч ой ичида тақдим этилади. Ушбу муддат ичида сўралган материалларни тақдим этиш имконияти бўлмаганда, талабнома берувчининг илтимосномасига кўра жавоб бериш олти ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилганда, белгиланган миқдорда патент божи тўланади. Мазкур бандда назарда тутилган шартларга риоя этилганда, муддат узайтирилади ва бу ҳақда хабарнома юборилади.

125. Талабнома берувчига давлат экспертизаси сўровномаси юборилганда, тегишли экспертиза муддати тўхтатиб турилади.

126. Давлат экспертизаси сўровномасига белгиланган муддатда жавоб келиб тушмаганда, ёки тўлиқ жавоб берилмаганда, ёхуд жавобни топшириш муддатини узайтириш ҳақида илтимоснома тақдим этилмаганда, талабнома чақириб олинган деб ҳисобланиб, талабнома бўйича иш юритиш тўхтатилади ва бу ҳақда талабнома берувчига хабарнома юборилади, ушбу Регламент 73-бандининг иккинчи хатбошиси бундан мустасно.

127. Давлат экспертизаси сўровномасига жавоб хатини тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатлари талабнома берувчининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин. Илтимоснома талабнома чақириб олинган санадан бошлаб икки ой ичида топширилади.

Илтимоснома билан биргаликда экспертиза сўровномасига тўлиқ жавоб хати ёки ушбу материалларни юбориш муддатларини узайтириш ҳақидаги илтимоснома тақдим этилади ва белгиланган миқдорда патент божи тўланади.

Илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича уч иш куни ичида хабарнома юборилади.

128. Сўровнома, хабарнома, давлат экспертизаси қарорлари ва товар белгисига бериладиган гувоҳнома QR-код (матрик штрихли кодли) қўйиш билан тасдиқланиб юборилади.

129. Мазкур Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини
рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Талабнома берувчи	Давлат хизматидан фойдаланиш учун ваколатли органнинг ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали ёхуд почта алоқаси бўйича талабнома топширади.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Талабнома берувчи	Талабнома топшириш учун патент божи тўловини амалга оширади.	3 ой давомида
3-босқич	Ваколатли орган	<ol style="list-style-type: none">1. Талабномани қабул қилади.2. Талабноманинг қайд рақами ва келиб тушган санаси кўрсатилган хабарномани тегишли равишда ваколатли органнинг ахборот тизими ёки ЯИДХП орқали талабнома берувчига юборади.	Патент божи тўланганидан сўнг автоматик тарзда
4-босқич	“Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси	<ol style="list-style-type: none">1. Талабноманинг расмий экспертизасини амалга оширади.2. Расмий экспертиза натижаси бўйича талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарорни талабнома берувчига юборади.	Талабнома келиб тушган санадан бошлаб 30 кун давомида
5-босқич	“Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси	<ol style="list-style-type: none">1. Талабноманинг экспертизасини амалга оширади.2. Экспертиза натижаси бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни талабнома берувчига юборади.	Талабнома келиб тушган санадан бошлаб 6 ойдан сўнг ва 7 ойдан ошмаган (экспертизани тезкор тартибда ўтказишда талабномани кўриб чиқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарор санасидан бошлаб 1 ой) муддатда


6-босқич	Талабнома берувчи	Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш, муҳофаза ҳужжатини бериш, эълон қилиш ва муҳофаза ҳужжатининг амал қилиш муддати учун патент божини тўлайди.	Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор жўнатилган санадан бошлаб 3 ой давомида
7-босқич	Ваколатли орган	Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш ва муҳофаза ҳужжатини беради.	Патент божи тўлиқ тўланганда автоматик тарзда.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш
белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

Товар белгиларини ва хизмат кўрсатиш белгиларини
рўйхатдан ўтказиш учун
АРИЗА

(220) Талабноманинг келиб тушган санаси: _____	(750) Ёзишмалар учун манзил: _____ _____ _____ Телефон: _____	
(210) Талабноманинг қайд рақами: _____		
Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун АРИЗА	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	
(731) Талабнома берувчи: _____ _____ _____ <i>(юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари бўйича тўлиқ номлари, жойлашган жойи ёки жисмоний шахслар учун Ф.И.О. ҳамда яшаш жойи манзиллари кўрсатилади)</i> Талабнома берувчининг тўлиқ почта манзили: _____ _____ _____ Телефон: _____	СТИР ёки ЖШШИР (резидентлар учун): _____ _____ _____ БИМТ ST. 3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у белгиланган бўлса): _____ _____ _____	
Товар белгиси устуворлигини қуйидаги санадан белгилашингизни сўрайман: <input type="checkbox"/> (320) биринчи талабномалар берилган санадан; <input type="checkbox"/> (230) экспонат кўргазмада очик намоёиш қилинган санадан; <input type="checkbox"/> (641) мазкур талабнома ажралиб чиққан дастлабки талабнома устуворлиги санадан; <input type="checkbox"/> (151) халқаро рўйхатдан ўтказиш санадан; <input type="checkbox"/> (646) халқаро рўйхатдан ўтказиш устуворлиги санасидан.		
<input type="checkbox"/> (310) биринчи талабнома рақами; <input type="checkbox"/> (641) дастлабки талабнома рақами; <input type="checkbox"/> (646) халқаро рўйхатдан ўтказиш рақами.	Сўралган устуворлик санаси: _____ _____	(330) Талабнома топширилган мамлакатнинг БИМТ ST. 3 стандарти бўйича коди (конвенция устуворлиги сўралганда): _____
(740) Вакил (Ф.И.О. ёки номи, патент вакилининг рўйхат рақами, тўлиқ почта манзили): _____ _____		
Телефон: _____		

(540) Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири:



(550) Белги турига тааллуқли кўрсатмалар:

- | | |
|-----------------------------------------------------------|--------------------------------------------------|
| <input type="checkbox"/> (551) жамоавий белги; | <input type="checkbox"/> (555) голографик белги; |
| <input type="checkbox"/> (552) позицион белги; | <input type="checkbox"/> (556) товушли белги; |
| <input type="checkbox"/> (553) ҳаракатдаги белги; | <input type="checkbox"/> (557) ҳидли белги. |
| <input type="checkbox"/> (554) уч ўлчамли (ҳажмли) белги; | |

(561) Белги ёки унинг қисмларининг транслитерацияси:

(571) Талабнома топширилаётган белгининг тавсифи *(талабнома топширилаётган белгининг таркибий қисмлари)*:

(591) Ранги ёки ранглар уйғунлиги *(агар рангли тасвирда бажарилган белгини рўйхатдан ўтказиш сўралса)*:

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш
белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

**Талабнома материалларига тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар
киритиш ҳақида
АРИЗА**

Келиб тушган санаси _____	Қайд рақами _____
Талабнома материалларига тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритиш ҳақида АРИЗА	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Мазкур аризани тақдим этиб, талабнома материалларига қуйидаги тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритишингизни сўрайман.	
Талабноманинг қайд рақами	
Талабноманинг келиб тушган санаси	
Тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритилиши керак бўлган маълумотлар: _____ _____ _____	
Тузатиш, аниқлик ва тўлдиришлар киритилган маълумотлар: _____ _____ _____	
Аризага иловалар: 	
_____ _____	<div style="border: 1px solid black; padding: 5px; width: fit-content; margin: 0 auto;">QR-код</div>
<i>(талабнома берувчи ёки вакили)</i>	

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш
белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
4-илова

Товар белгиларини ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш
учун талабномага ҳуқуқни топшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Товар белгиларини ва хизмат кўрсатиш белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага ҳуқуқни топшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
Талабноманинг қайд рақами	
Талабноманинг келиб тушган санаси	
Қуйида ҳуқуқ топшираётган шахс ҳуқуқни олувчи шахсга товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун топширилган талабномага ҳуқуқни имзо чеккан ҳолда топширади.	
Ҳуқуқни топшираётган шахс:	
СТИР ёки ЖШШИР (резидентлар учун): _____	
БИМТ ST. 3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса): _____	
Номи (исми): _____	
Тўлиқ почта манзили: _____	
Телефон: _____	
Ҳуқуқни қабул қилиб олувчи шахс:	
СТИР ёки ЖШШИР (резидентлар учун): _____	
БИМТ ST. 3 стандарти бўйича мамлакат коди (агар у ўрнатилган бўлса): _____	
Номи (исми): _____	
Тўлиқ почта манзили: _____	
Телефон: _____	
Ҳуқуқни топшираётган шахс имзоси* _____	Ҳуқуқни қабул қилиб олувчи шахс имзоси* _____

Имзоланган сана

Имзоланган сана

*Юридик шахс номидан ташкилот раҳбари томонидан унинг лавозими ва исми кўрсатилган ҳолда имзоланади.

Товар белгилари ва хизмат кўрсатиш
белгиларини рўйхатдан ўтказиш бўйича
давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
5-илова

**Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

- (111) Рўйхатдан ўтказиш рақами
- (151) Рўйхатдан ўтказиш санаси
- (181) Рўйхатдан ўтказилган белгининг амал қилиш муддатининг тугаши
- (210) Талабноманинг қайд рақами
- (220) Талабноманинг келиб тушган сана
- (230) Белгиланган устуворлик санаси
- (310) Биринчи топширилган талабноманинг қайд рақами
- (320) Биринчи топширилган талабноманинг келиб тушган санаси
- (330) Биринчи талабнома топширилган мамлакат коди
- (400) Расмий ахборотнома рақами
- (731) Талабнома берувчи
- (732) Товар белгиси эгасининг номи (исми), мамлакат коди ва манзили
- (740) Вакил
- (750) Ёзишмалар учун манзил
- (510) Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун ТХХТ синфлари
- (511) Товарлар ва хизматлар рўйхати
- (526) Товар белгисининг муҳофаза қилинмайдиган элементи
- (540) Талабномада кўрсатилган белгининг тасвири
- (550) Белги турига таалукли кўрсатмалар
- (551) Жамоавий белги эканлигига кўрсатма
- (554) Уч ўлчамли (ҳажмли) белги эканлигига кўрсатма
- (555) Голографик белги эканлигига кўрсатма
- (556) Овозли белги эканлигига кўрсатма
- (557) Ҳидли белги эканлигига кўрсатма
- (561) Белги ёки унинг қисмларининг транслитерацияси
- (562) Белги ёки белги элементларининг таржимаси
- (571) Талабнома топширилаётган белгининг тавсифи
- (591) Талабномада келтирилган белгининг ранглари

Изоҳ. Мазкур реестрда ишлатилаётган кодлар Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг стандартлари билан белгиланган.

